

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ (ОЛДИ-СОТДИ) БЎЙИЧА
ШАРТНОМА**

Мингбулок туман

№ 3

2022 йил 19 январь

Амалдаги устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи "HUMO MEGA FAYZ SERVICE" номидан иш кўрувчи **И.Эшбоев** бир томондан ва амалдаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи **Мингбулок туман мактабгача таълим бўлими** номидан бўлим мудири **М.Атақўзиёва** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги **озик-овқат маҳсулотлари** (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш мудати куйидагича белгиланган.

№	Товарлар (маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Сумма	Етказиб бериш муддати
1	Ун 1-нав	кг	218	3000	654000	30 кун
2	Макарон	кг	104	7000	728000	30 кун
3	Горох	кг	66	7000	462000	30 кун
4	Гречка	кг	77	15000	1155000	30 кун
5	Перловка	кг	57	7000	399000	30 кун
6	Манни ёрмаси	кг	74	4000	296000	30 кун
7	Шакар	кг	305	9000	2745000	30 кун
8	Қанд	кг	40	15000	600000	30 кун
9	мева қиёми ✓	кг	60	13000	780000	30 кун
10	Сариёғ 82,5%	кг	164	44000	7216000	30 кун
11	пахтаёғи ✓	кг	97	15000	1455000	30 кун
12	Сут ✓	литр	2186	4500	9837000	30 кун
13	Сгушонка 400гр ✓	шт	80	8000	640000	30 кун
14	кефир 45%	кг	590	11000	6490000	30 кун
15	Сметана 20% ✓	кг	85	14000	1190000	30 кун
16	Творог ✓	кг	266	18000	4788000	30 кун
17	Пишлоқ ✓	кг	118	42000	4956000	30 кун

18	Мол гўшти ✓	кг	117	60000	7020000	30 кун
19	Товук гўшти ✓	кг	367	20000	7340000	30 кун
20	Музлатилган Балиқ ✓	кг	80	30000	2400000	30 кун
21	Тухум ✓	шт	5900	950	5605000	30 кун
22	Томат	кг	38	18000	684000	30 кун
23	банан	кг	50	18000	900000	30 кун
24	мандарин	кг	80	19000	1520000	30 кун
25	Қурук мевалар	кг	80	6000	480000	30 кун
26	Кук Чой	кг	5	23000	115000	30 кун
27	(Какао)	кг	11	35000	385000	30 кун
28	Ош тузи	кг	49	1500	73500	30 кун
29	Курук хамиртуриш 100гр	шт	18	4000	72000	30 кун
	Жами				70985500	

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 70 985 500 (етмиш миллион туккиз юз саксон беш минг беш юз) сўми ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинadиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 кун муддат ичида товарларни (маҳсулот)мактабгача таълим муассаси манзилига "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар (маҳсулот) учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган товарлар (маҳсулот) қийматини ҳаққонийлиги «Харидор» зиммасида бўлади.

3.2. "Етказиб берувчи" куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни (маҳсулот) учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш; Товарларни (маҳсулот) мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинмаган товарлар (маҳсулот) нарҳига бюджет ташкилоти жавоб беради.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома-бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг (маҳсулот) тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни (маҳсулот) етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар (маҳсулот) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу қаби ёнгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома Мингбулок туман ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириши ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Ўтказиб берувчи номи»

«Буюртмачи»

HUMO MEGA FAYZ SERVICE” МЧЖ

Мингбулок туман мактабгача таълим бўлими

Адрес: Уйчи туман Октош МФЙ Ифтихор 2 ОҚОНХ _____

Манзил: Мингбулок туман Жомашуй ш.

ш/х 400522860142047091100251001

Ҳисоб рақами: 20208000805454789001

ОҚОНХ 85100



Банки: Миллий банк Уйчи филиали

СТИРи 305151814 МФО 00014

МФО: 00877 ИНН: 308999357

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ғазна х/в 23402000300100001010
201122919 мфо 00014



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№ QK37031730

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Oziq-ovqat maxsulotlarini yetkazib berish (oldi-sotdi) bo'yicha shartnoma.
("Humo mega fayz service" MCHJ)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Mingbuloq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 17-yanvarda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



A.Mamadaliyev

19.01.2022 y.